

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

558 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

1. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 30 декабрь,
ПФ-4399-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги
ПФ-4399-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2012 йил 1 январдан киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони 4-илловасининг 5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

5.	Гўшт ва овқатбоп қўшимча озиқбоп гўшт маҳсулотлари (субмаҳсулотлари) Уй паррандаси овқатбоп қўшимча маҳсулотлари*	0201 — 0210 (0207 34 100 дан ташқари) 0207 34 100
----	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизими ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармони:

а) 7-бандида:

«5 йил муддатга» сўзлари «2018 йилнинг 1 январигача» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббий жиҳозлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва тиббиёт ускуналарининг сарфланадиган материаллари 2018 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.»

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2010 йил 30 мартдаги ПФ–4210-сон Фармони 1-бандидаги «2012 йилнинг 1 апрелигача» сўзлари «2014 йилнинг 1 январигача» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ–4377-сон Фармони 2-бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги
ПФ–4399-сон Фармонида
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобланадиган айрим фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 9 январдаги ПФ–3709-сон Фармонининг 5-банди*.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 7 апрелдаги ПФ–4102-сон Фармони.

* 2012 йилнинг 1 январигача солиқ имтиёзларидан фойдаланган солиқ тўловчилар учун мазкур солиқ имтиёзлари, ушбу имтиёзлар берилган муддат нихоясига етгунча амал қилади.